

I ЯНГИЛИКЛАР

Миллий кутубхона ISBN ва ISSN рақамларини бера бошлади



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мамлакатда чоп этилувчи нашрларга китобнинг халқаро стандарт рақами (ISBN) ва даврий нашрнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)ни бериш бўйича электрон хизматини жорий этди. ЎЗА хабарига кура Миллий кутубхонани ислоҳ қилиш давомида унга Ўзбекистон Миллий китоб палатасининг бир қатор, жумладан, мамлакатда чоп этилаётган нашрларга халқаро стандарт рақамларини бериш каби функциялари топширилган эди. ISBN ва ISSN рақамларининг мавжудлиги ноширлар, китоб савдоси билан шуғулланувчилар, кутубхоначилар ва илмий ходимларга нашрларни Ўзбекистон ҳудуди ва ундан ташқарида нашрларни тарқатиш, мамлакат ва хорижда автоматлаштирилган тизимлар воситасида нашрларга оид маълумотларни бемалол қидириб топиш имкониятини беради. Янги хизмат кутубхонанинг сайти (natlib.uz) орқали интерактив шаклда Халқаро китоб ва журналларни рақамлаш тизимида рўйхатга олиш ҳамда ISBN ва ISSN рақамларини олиш имконини беради.